



Византия империяси цивилизацияси ва маданияти пойтахти Янги Рим (Константинопол) бўлган холда Россиянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Христианлаштириш жараёни

Тўқизинчи асрда Византия империясидан Киев Русига христиан миссионерлари юборилган. Уларнинг ишлари самара берди ва 988 йилда Киев князи Владимир I (Владимир Святославич, Кизил Куёш) "Янги Рим"дан маънавий раҳбарлик олиб, юнон одати бўйича чўқинтирилди. Владимир Русни Православ дунёсига айлантирди. Константинопол патриархи Киев учун епископ тайинлади ва бу хол 15 асргача давом этди.

Эски Рим ва Янги Рим ўртасидаги ажралиш

1054 йилда Эски Рим ва Янги Рим ўртасидаги диний бўлиниш якунига етди. Бу католик ва православ христианликнинг ажралишини англатар эди. Рус христианлиги православ маънавияти ва маданиятига чуқур уланган эди.

Византиянинг заифлашуви ва Москва кўтарилиши

13 асрда тўртинчи салиб юришлари давомида (1202–1204) салибчилар Константинополни ва Византиянинг катта қисмини забт этишди. Шу вақтда Киев ҳам 1240 йилда мўғуллар томонидан вайрон қилинди ва уларнинг ҳукмронлиги 15 аср охиригача давом этди.

Киевнинг йўқ қилиниши ва мўғуллар ҳукмронлиги даврида шимолдаги Москва шаҳри ривожлана бошлади. 14 асрнинг биринчи чорагида рус митрополити Москвага кўчиб

Москва – Учинчи Рим (православ черковнинг акидаси)

Муаллиф:

19.11.2024 13:42 -

Ўтди. 1326 йилда Успения соборининг курилиши бошланди.

1380 йилда Москва шахзодаси Дмитрий Донской черков кўмаги билан Куликов жангида мўғулларни енгди. Бу билан Москва нуфузи янада ошди.

Москва – православ дунёси химоячиси

1438–1439 йиллардаги Ферраро-Флоренция собори давомида Византия империяси католик черковига бўйсунди. Москва ва Рус православ черкови буни рад этди ва ўша пайтдан бошлаб Рус православ черкови Константинопол таъсиридан мустакил бўлди. 1453 йилда Константинопол Усманийлар султони Мехмет II томонидан эгалланди. Рус кироли Иван III София Палеологга уйланиб, Византия империяси меросхўри деб қаралган.

Москва – учинчи Рим

Руслар бундан хулоса чиқариб, "Иккинчи Рим"нинг кулаши билан православ дунёси маркази Москвага кўчган деб ҳисоблашди. Бу фикрни 1510 йилда черков рухонийси Филофей шундай ифодалаган:

"Икки Рим кулади, учинчиси турибди, тўртинчиси бўлмайди".

1589 йилда Москва митрополити Йов патриархликка кўтарилди ва Москва православ (рус) дунёси маркази сифатида тан олинди. Хамма Москвага бўйинсиниши керак деган гап ҳам "Москва – учинчи Рим" деган черков акидасидан келиб чиқади.

Абу Муслим